

ИМОМ ТЕРМИЗИЙ “ИЛАЛ АЛ-КАБИР” АСАРИНИНГ ЁЗИЛИШ ТАРИХИ

Олим Жўраев

Ориентал университети, тарих йўналиши,
2-босқич магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада машҳур муҳаддис И мом Термизийнинг ҳаёти, илмий мероси ва “Илал ал-кабир” асарининг ёзилиши тарихи ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: муҳаддис, устоз, шогирд, ҳадис, “Илал ал-кабир”, “Илал ас-сагир”, ровий, И мом Термизий, И мом Бухорий.

ABSTRACT

This article talks about the life, scientific heritage of the famous Muhaddith Imam Tirmidhi and the history of the writing of Ilal al-Kabir.

Key words: Muhaddith, teacher, student, hadith, "Ilal al-kabir", "Ilal al-saghir", narrator, Imam Tirmidhi, Imam Bukhari.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассказывается о жизни, научном наследии знаменитого муҳаддиса имама Тирмизи и истории написания Илаля аль-Кабира.

Ключевые слова: муҳаддис, учитель, ученик, ҳадис, «Иляль ал-Кабир», «Иляль ас-Сагир», рассказчик, И мам Тирмизи, И мам Бухари.

КИРИШ

Ҳадисшунослик илми VIII асрнинг иккинчи ярмидан XI аср ўрталаригача асосий ва зарурий машғулотлардан бири даражасига айланган. Бу даврда Шарқнинг турли мамлакатларидан бўлган тўрт юздан ортиқ муаллифлар ана шу илм (ҳадисшунослик) билан шуғулланганлар¹.

Ҳадис илмининг олтин даври бўлган IX асрда И мом Бухорий, И мом Муслим, И мом Доримий, Абу Довуд, Аҳмад ибн Ҳанбал ва Абд ибн Ҳумайд Кеший қаби олимлар ҳадис илмида фаолият юритган. Бу муҳаддислар бошлаб берган ишларини И мом Термизий ҳам чуқур масъулият ва катта идрок билан давом эттириди.

И мом Термизийнинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Захҳоқ Абу Исо Сулламий² Зарийр Бугий Термизий³ бўлиб, 209/824 йили

¹ Халидов А. Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция. – Москва, 1985. – С. 143.

² Шамсуддин Заҳабий. Тарих ал-ислам ва вафийат ал-мушаҳиир ва ал-аълом. – Байрут. Дор ал-китаб ал-арабийя. 1987. – Ж. 20. – Б. 459.

Термиздан олти фарсах узоклика жойлашган Бүг қишлоғида ўрта ҳол бир оиласа таваллуд топган⁴.

Термизий устозларидан олган илмини янада ошириш мақсадида 850 йилдан, яъни йигирма олти ёшидан бошлаб қатор хорижий мамлакат ва шаҳарларга сафар қила бошлади. Илмий сафари давомида кўплаб кишилардан ҳадислар эшитади. Макка ва Мадина, Ироқ, Марв, Нишопур, Балх, Термиз, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда кўплаб машҳур мұхаддис ва уламолардан таълим олади. Илмий мунозара ва баҳсларда иштирок этади.

Олим ўндан ортиқ асарлар ёзган. Жумладан, “Сунан ат-Термизий” (“Термизий суннатлари”), “Аш-шамоил ан-набавийя” (“Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари”), “Китоб ат-тарих” (“Тарих китоби”), “Илал ал-кабир” (“Катта иллал”), “Илал ал-сағир” (“Кичкина иллал”), “Китоб аз-зухд” (“Тақво ҳақида китоб”), “Китоб ал-асмо вал-куна” (“Ровийларнинг исми ва лақаблари ҳақида китоб”), “Ал-илал фил-ҳадийс” (“Ҳадислардаги иллатлар ёки оғишлар ҳақида”), “Рисола фил-хилоф вал-жадал” (“Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола”), “Асмо ас-саҳоба” (“Пайғамбар сахобаларининг исмлари”)⁵ шулар жумласидандир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Аллома ҳадис илмига оид шоҳ асари бўлган “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ” асарида тўрт мингга яқин ҳадисларни жамлайди. Бу асар ҳадис илмида энг катта аҳамиятга эга бўлиб, “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ” номи билан бирга “Ас-сунан” (“Суннатлар”) ва “Сунан ат-Термизий” номи билан ҳам аталади.

Имом Термизийнинг “Сунан” асари “Жомиъ” турқумидаги ҳадис тўпламларида мавжуд барча масалаларни қамраб олганлиги боис “ал-Жомиъ ас-саҳиҳ” номи билан ҳам танилган. “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ” китоблари ўз ичига ақида доир ҳадисларни, тафсиrlар, диний қонун-қоидалар, ижтимоий ва шахсий ахлоқ мезонларини ҳам қамраб олган. Уларнинг ишончлилик даражаси бошка тўпламлардан кўра анча юқори ҳисобланади.

Имом Термизий ҳадис илмига оид “Сунан” билан бирга “Ал-Илал ас-сағиyr”, “Ал-Илал ал-кабир (ал-муфрад)” ва “Аш-шамоил ан-набавийя” номли асарларни ҳам ёзган. “Ал-Илал ас-сағиyr” асарини “ал-Жомиъ” асарининг охирги қисмида хотима сифатида киритган. “Ал-Илал ал-кабиyr” эса алоҳида

³ Ёқут ибн Абдуллоҳ Ҳамавий. Муъжам ал-Булдон. – Байрут. Дор ал-ғикр, 2009. – Ж. 1. – Б. 510; Нуриддин Итр. Ал-Имом ат-Термизий ва ал-мувазанату байна жамиъиҳи ва байна ас-саҳиҳайн. – Миср: Матбуату лажна ат-таълиф ат-таржима ва ан-нашр, 1980. – Б. 23.

⁴ Абу Саъид Абдулкарим Самъоний. Ансоб. – Байрут. Дор ал-ғикр, 2009. – Ж. 1. – Б. 415.

⁵ Ибн Ҳажар Асколоний. Таҳзийб ат-таҳзийб. Ж. 9. – Б. 389.

мустақил асар бўлиб, унда биринчи асарига киритилмаган кўплаб иллатли ҳадислар келтирилган.

Имом Термизийнинг ҳадис илмига оид асосан иккита, бири кичик “Илал ал-сағир”, иккинчиси катта “Илал ал-қабир” номли асарлари ҳам бор.

“Илал ал-сағир” китоби “Жомиъ ас-саҳиҳ”нинг охирида мустақил бир бўлиб сифатида киритилган. Унда “Жомиъ ас-саҳиҳ”да амал қилган тартиб, усули, манбаларини, асарда келган ровийлар ва атамаларни тушунтириб берган. Асарда Бухорий, Абу Зуръа Розий, Ибн Сирийн, Айюб Саҳтиёний, Суфён Саврий, Абдуллоҳ ибн Муборак, Али ибн Мадиний ва Яҳё ибн Саид Қаттонийларнинг қарашларидан фойдаланган ҳолда жарҳ ва таъдилнинг зарурлиги, исноднинг аҳамияти, ҳадисларни маъно билан ривоят қилиш учун зарур бўлган шартлар, ҳадисларнинг ғариб деб ҳисобланиши сабаблари, ровийлар ҳақида, мурсал ҳадисининг қиймати каби мавзулар билан шуғулланган. “Илал ал-сағир”га Ибн Ражаб Ҳанбалий шарҳ ёзган.

Имом Термизийнинг “Илал ал-қабир” асари эса “Илал ал-сағир” асарига нисбатан жуда кенг ёзилган бўлиб, у ўз ичига 717 та ҳадисни қамраб олади. Шунингдек, бу китоб “Илал ал-муфрад” деб ҳам номланади. Термизий бу китобни Самарқандда 270/884 йил Қурбон ҳайитида ёзиб тутатган. Муаллиф бу китобини “Сунан” асаридан кейин ёзган.

“Илал ал-қабир” асари билан “Илал ал-сағир” асарининг ўртасида бир нечта фарқ бор. “Илал ал-қабир” асарида иллатли ҳадислар кўп келтирилган бўлса, “Илал ал-сағир” асарида эса, бир нечта намуна учун илатли ҳадислар келган. “Илал ал-қабир” асарининг асли (оригинали) номаълум. Ҳозирги кундаги “Илал ал-қабир” асарининг бугунги нусхаси бизга Абу Толиб Қозий (ваф. 1211 й.) орқали етиб келган. “Илал ал-қабир” асарини Абу Толиб Қозий бобларига қараб янгидан тартибга келтирган.

Асарнинг асл нусхаси фақат Туркияning Топкапи Саройи музейининг кутубхонасида Аҳмад III № 530-рақами остида сақланади. Бу нусха асосида турли киитоблар нашр этилди.

Термизийнинг илал илми борасида асосан учта устози бор. Булар Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (ваф. 870 й.), Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон Доримий (ваф. 869) ва Абу Зуръа Розий (ваф. 878). Термизий бу устозларининг ичида энг кўп Имом Бухорийдан илал илми борасида кўпроқ илм ўрганган. Термизийнинг ўзи бу маълумотларни “Илал ас-сағир” асарида келтириб ўтган.

Термизий асарида саккизта жойда Абу Зуръанинг номини тилга олиб, ундан ўрганганлигини зикр қилган. Шунингдек, Абу Зуръадан олган саккизта маълумотнинг (фикрининг) ҳаммасини, бир вақтнинг ўзида Имом Бухорийдан

ҳам келтирган. Саккизтанинг бештасида Абу Зуръа ва Имом Бухорий бир хил фикрда бўлса, қолган учтасида эса турли фикрда бўлганлар.

Имом Доримидан ҳам олтида жойда исмини зикр қилиб келтирган. Олтиданинг ҳаммасини ҳам бир вақтнинг ўзида Имом Бухорийдан ҳам келтирган. Булардан учтасида Имом Доримиш ва Имом Бухорий бир хил фикрда бўлса, қолган учтасида эса турли фикрда бўлганлар.

Термизийнинг “Илал ал-кабир”да иллатларини изоҳлаган ҳадисларнинг деярли барчасини Имом Бухорийда ўрганган маълумотлар билан ёзгани яққол кўриниб турибди. Бироқ бундан ташқари асарда Термизийнинг илал илми тўғрисида ўзига хос бўлган изоҳ ва талқинлари ҳам ўрин олган.

Иккала олим ўртасида 863-868 (250-255) йиллар ораларида Нишопурда кўпдан-кўп самарали илмий мунозаралар, самимий дўстона учрашувлар бўлган⁶.

Ёши қирқдан ошган ва турли мамлакатлар олимларидан таълим олган Термизий ҳам Имом Бухорий машҳур бўлган пайтда етук олим даражасида танилган бўлган. Шу сабабли ҳам Имом Бухорий билан тарли масалаларда илмий баҳслар олиб борар эди.

Имом Термизий хотирасининг кучлилиги билан ўз даврининг олимларидан ажralиб турган. Имом Термизий зеҳнининг ўткирлиги ҳамда қувваи-ҳофизаси кучлилиги устози Имом Бухорий сингари кучли бўлган. Ҳифзда (ёдлашда) у ҳақида масаллар келтирадилар»⁷.

Ҳофиз, машҳур Имом Термизий ҳадис илмида иқтидо қилинадиган буюк олимлардан биридир⁸.

Имом Бухорий ҳам шогирди Абу Исо Термизийга юқори баҳо бериб: “Сен мендан фойдаланганингдан кўра мен сендан кўпроқ фойдаландим”⁹, деб таъкидлаган. Имом Бухорийнинг шогирди Имом Термизийга бундай юксак баҳо бериши Имом Термизийнинг қанчалик даражада илмга эга эганлигни кўрсатади. Имом Бухорийнинг ўз шогирди Имом Термизийни бундай эътироф қилиши ундаги буюкликнинг қирраларидан бири эди.

Имом Термизий устозидан фақатгина ҳадис илмидан сабоқ олмаган, балки фиқҳни ҳам ўзлаштирган эди. Бу ҳақда Шамсиддин Заҳабий (1274–1348) “Тазкират ал-хуффоз” асарида: “Ҳадисда Бухорийдан фиқҳ ўрганган”, деган.

Имом Термизий устози ва сафдоши Имом Бухорийни бутун умри давомида ҳурматлаб унга самимий садоқатда бўлган.

⁶ Ибн Халликон, Вафаёт ал-аъюн. 3-жилд, 278. Байрут: Дорус содр, 1971. – Б. 407.

⁷ Ибн Ҳажар ал-Аскalonий. Таҳзийб ат-таҳзийб. Дорул фикр, 1984. Ж. 9. – Б. 389; Шамсуддин Заҳабий. Сияру аълаамин нубала. – Байрут, Муассасатур рисала, 1993. Ж. 13. – Б. 273.

⁸ Ибн Халликон, Вафаёт ал-аъюн. 4-жилд, 278. Байрут: Дорус содр, 1971. – Б. 278.

⁹ Ибн Ҳажар ал-Аскalonий. Таҳзийб ат-таҳзийб. Дорул фикр, 1984. Ж. 9. – Б. 245; Юсуф ибн Абдураҳмон Миззий. Таҳзибул камол фи асмаир рижал. Байрут: Муассасатур рисала, 1980. Ж. 26. – Б. 252.

Хофиз Умар ибн Аллак шундай ёзади: “(Имом) Бухорий вафот этар экан ўзидан кейин Хурросонда илм, хотира, тақво ва зоҳидлик борасида Абу Исога ўхшаган бирор кишини қолдирмади. У (яъни Абу Исо Имом Бухорийнинг вафотидан) шу даражада қаттиқ йиғладики, ҳатто унинг кўзлари кўр бўлиб қолиб, бир неча йиллар кўр ҳолида яшади”¹⁰.

Имом Термизий “Илал ал-кабир” асарида устозларидан ўрганган маълумотларни савол-жавоб услубида келтирган. Бу усул ўз даврининг машхур ва кенг қўлланиладиган услуби эди. Дарҳақиқат, Аббос ибн Муҳаммад Дурий устози Яҳё ибн Маъиннинг ҳадисларнинг иллатларига оид саволларга берган жавобларини жамлаган ҳолда “ат-Тарих” асарини, Абдуллоҳнинг ҳам отаси Аҳмад ибн Ҳанбалдан сўраб ёки ундан тинглаш орқали тўплаган маълумотларни бир жойга тўплаш орқали “Китабу илал” асарини, Ибн Абу Хотимнинг ҳам отаси Абу Хотим билан Абу Зуръадан сўраб олган маълумотларни бирлаштириб “илалул ҳадис” асарини ёзган.

Хозирги кундаги “Илал ал-кабир” асарининг нусхасидаги иллатли ҳадислар фиқҳий бобларга жамланган ҳолда тартибланган. Бундай шаклда тартиб тадқиқотчига ҳадисларни топиш ва улардан фойдаланиши осонроқ бўлади. Термизийнинг даврида илал жанрида таълиф этилган асарлар, одатда мавзуларга кўра таснифланмаганлигини кўриш мумкин.

Имом Термизий “илалул ҳадис” илмининг муҳим намояндадаридан биридир. Олим илал илми борасида, асосан, Имом Бухорийнинг, Имом Бухорий эса Яҳё ибн Маъин, Али ибн Маданий ва Аҳмад ибн Ҳанбал каби илал илмининг етук олимларнинг шогирдидир. Улар эса Яҳё ибн Саъид Қаттонийнинг, Яҳё эса илал илмининг илк вакили бўлган Шуъба ибн Ҳажжожнинг шогирдидир. Шундай экан, Имом Термизий илал илмини силсила билан келган уломалардан олганлигини аниқ айтишимиз мумкин.

Имом Термизий илал илмига бири “Жомеъ”да илова бўлиб келган “илал ас-сағир”, иккинчиси эса “илал ал-кабир” асари каби иккита муҳим асарлари билан ҳисса қўшган.

“Илал ас-сағир”да асосан, усул, рижал ва жарҳ таъдил мавзуларига тўхталса, “илал ал-кабир”да эса ҳадисларнинг иллатларига доир қимматли маълумотлар берган.

Фиқҳ бобларига кўра таснифи Абу Бакр Қозий томонидан қилинган нусхаси Имом Термизийга тегишли бўлиб, вақт ўтиши билан олимлар бу

¹⁰ Шамсуддин Захабий. Сияру аълаамин нубала. – Байрут, Муассасатур рисала, 1993. Ж. 13. – Б. 154; Шамсуддин Захабий. Сияру аълаамин нубала. – Байрут, Муассасатур рисала, 1993. Ж. 13. – Б. 273; Нуриддин Итр. Ал-Имом ат-Термизий вал мувозанату байна жамиъихи ва байнас сахихайн. 1980. – Б. 11.

асардан иқтибос келтирдилар ва унга мурожаат қилганлар. Иқтибослар бизда мавжуд бўлган “илал ал-кабир” нусхасидаги маълумотлар билан айнан бир хил.

Имом Термизий, ўз даврининг услубига мувофиқ ҳадисларнинг иллатлари ҳақида устозларидан сўраган саволлариға олган жавобларини йифиб, китоб ҳолига келтирган. Термизий бу асарда ҳадисларнинг иллатларига оид маълумотларни берибгина қолмасдан, ровийларнинг кимлиги, жарҳ таъдил ҳолатлари, ҳадисларнинг сахихлиги ҳақида ҳам маълумотлар берган.

“Илал ал-кабир”, қимматли маълумотларга эга бўлганлиги ва соҳанинг биринчилардан бўлганлиги туфайли ўзидан кейинги авлодларга таъсир ўтказган ва бугунги кунгача етиб келган муҳим асардир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Имом Термизий илал илмига бири “илал ас-сафир”, иккинчиси эса “илал ал-кабир” асарлари билан катта ҳисса қўшган. Ҳозирги кунда ҳам дунё турли институт ва университетларида Имом Термизийнинг асарлари дарслик сифатида фойдаланиб келинади.

Бугунги кунда ҳам Имом Термизийнинг ҳаёти ва унинг илмий бой маънавий меросини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир. Бугунги кунгача Имом Термизийнинг ўрганилмаган илмий меросларини тадқиқ этиш ва уларни ёшларимизга етказиш бизнинг асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES):

1. Абу Саъид Абдулкарим Самъоний. Ансоб. – Байрут. Дор ал-фикр, 2009. – Ж. 1.
2. Ёқут ибн Абдуллоҳ Ҳамавий. Муъжам ал-Булдон. – Байрут. Дор ал-фикр, 2009. – Ж. 1.
3. Ибн Хажар Асқалоний. Таҳзийб ат-таҳзийб. – Байрут: Дор ал-фикр, 1984. – Ж. 9.
4. Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Даҳҳак Термизий. Таҳқиқ ва таълиқ: Аҳмад Муҳаммад Шокир (1-2 жуз), Муҳаммад Фуад Абдул Боқи (3 жилд), Иброҳим Атво Авда (4-5 жуз). – Миср: Мустафо ал-баби ал-ҳалби, 1975. Ж.1. Ж.2.
5. Нуриддин Итр. Ал-Имом ат-Термизий ва ал-мувазанату байна жамиъихи ва байна ас-саҳиҳайн. – Миср: Матбуату лажна ат-таълиф ат-таржима ва ан-нашр, 1980.
6. Совет Шарқи мусулмонлари, 1990 йил, 3-сон.

7. Уватов У. Икки буюк донишманд (Абу Исо ат-Термизий, Ал-Ҳаким ат-Термизий). – Т.: Шарқ, 2005.
8. Хайруддин ибн Маҳмуд Зириклий Димашқий. Ал-аълом. Дор ал-илм. 2002. – Ж. 2.
9. Халидов А. Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция. Москва, 1985.
10. Шамсуддин Заҳабий. Мийzon ал-эътидал фи нақд ар-рижал. 2009. Ж. 3.
11. Шамсуддин Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало. Ж. 13. – Байрут: Muassasa ar-risala, 1993.
12. Шамсуддин Заҳабий. Тазкират ал-хуффоз. – Байрут: Dor al-kutub al-ilmiyya, 1998. – Ж. 2.
13. Шамсуддин Заҳабий. Тарихул ислам ва вафийат ал-мушахиир ва ал-аълом. – Байрут. Dor al-kitab al-arabiyah. 1987. – Ж. 20.
14. Юсуф ибн Закий Абдурраҳмон Абулҳажжож Миззий. Таҳзиб ал-камол. – Байрут: Muassasa ar-risala, 1980. Ж. 26.